**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017. ТАР.01.04 – РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НАСИРОВ БУНЁД УРАЛОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТИДА МАИШИЙ ХИЗМАТ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ (1925-1991 ЙЙ.)

07.00.01– Ўзбекистон тарихи

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

УДК 658:64.(575.1) “1925/1991”

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Насиров Бунёд Уралович
Ўзбекистон аҳолисининг кундалик ҳаётида
маиший хизмат тизимининг ўрни (1925-1991 йй.).....3

Насиров Бунёд Уралович
Место системы бытового обслуживания
в повседневной жизни населения Узбекистана
(1925-1991 гг.).....27

Nasirov Bunyod Uralovich
The role of household service in the daily life of people of the people of Uzbekistan (1925-1991).....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017. ТАР.01.04 – РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НАСИРОВ БУНЁД УРАЛОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТИДА МАИШИЙ ХИЗМАТ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ (1925-1991 ЙЙ.)

07.00.01– Ўзбекистон тарихи

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B.2017.1.PhD/Tar28 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://ik-tarix.nuu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Шадманова Санавар Базарбаевна**
тарих фанлари доктори

Расмий тақризчилар: **Эргашева Юлдуз Алимовна**
тарих фанлари доктори, профессор
Бобожонова Дилором Бобожоновна
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017. Tar.01.04 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория). Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____даги ___- рақамли реестр баённомаси)

А.А. Маврулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Э. Юнусова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

Г.А.Агзамова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунё мамлакатларида аҳолининг ҳаётий фаолиятини таъминлаш ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим аҳамият касб этади. Айни даврда хорижий давлатлар ялпи ички маҳсулоти таркибида хизматлар соҳасининг улуши юқори бўлиб, жумладан, Монакода – 95,1 фоизни, Люксембургда – 86,0 фоизни, Мальтада – 80,6 фоизни, АҚШда – 79,6 фоизни, Кипрда – 78,3 фоизни, Францияда – 77,6 фоизни, Бельгияда –76,1 фоизни, Грецияда – 75,7 фоизни ҳамда Буюк Британияда – 74,5 фоизни ташкил этмоқда[1].

Маиший хизмат кўрсатиш тизими аҳолининг турмуш даражасига таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу соҳа инсон эҳтиёжларини қондириш ва унинг ривожланиши учун шароит яратиш каби муҳим ҳаётий вазифаларни бажаради. Хизмат кўрсатиш муассасаларининг ривожланиш даражаси ва уларнинг фаолияти самарадорлиги иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги даражаси ҳамда инсон эҳтиёжларини қондириш учун қулай шароит яратилганлигининг асосий кўрсаткичи соҳадир. Саноати ривожланган мамлакатларда маиший хизмат кўрсатиш корхонаси хизмат кўрсатишга оид энг янги технологияларга эга бўлиб, уларни мунтазам равишда ўзгартириб боради. АҚШ ва Европада маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг энг даромадли йўналиши кимёвий тозалаш, кир ювиш ва гўзаллик салони кабилар ҳисобланади[2].

Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида инсон омили барча жабҳаларда асосий ўрин тутади. Шу сабабли қатор хорижий тадқиқотларда Ўзбекистон аҳолисининг ҳаёт тарзи, ижтимоий тарихини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу тадқиқотлар бўйича муҳим илмий натижалар қўлга киритилган. Жумладан, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Тошкентдаги иқтисодий ва ижтимоий масалалар ёритиб ўтилган (Jeff Sahadeo, the Institute of European, Russian and Eurasian Studies of Carleton University, Ottawa, Canada, 2007); Тошкент шаҳридаги маиший хизмат муассасалари 1865-1923 йилларнинг фаолияти қисқа ёритиб берилган (Paul Michael, Stronski Stanford University, USA 2003); хотин-қизларнинг ташқи кўринишидаги трансформация жараёнлари, маҳаллий аҳоли орасида “совет эталони” тарғиб қилингани ўрганилган. (О.В.Горшунова, РАН Россия, Москва, 2006).

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ҳамма соҳаларда инсон омилига катта эътибор берилиши барча ислоҳотлар халқ манфаатлари учун амалга оширилаётганидан далолат беради. Жумладан, маиший хизмат соҳасида амалга оширилаётган ишлар инсонларнинг турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилиб келмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда хизмат

---

[1] 20 стран мира с наибольшей долей сферы услуг в структуре ВВП. http://infotables.ru/statistika/43-ekonomicheskaya-statistika-stran-mira/426-struktura-vvp-stran-mira-tablitsa

[2] Шаинян Б.Р. Анализ зарубежного опыта развития бытового обслуживания // Российское предпринимательство.– 2007. – Том 8.– №10. – С.169-173.

кўрсатиш соҳасида ишлаётганлар улуши иқтисодиётда банд жами аҳолининг 50 фоиздан ортиғини ташкил этади[3]. Бу кўрсаткич иқтисодий ривожланган давлатларда хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаётганлар улуши билан деярли тенг.

Бугунги кунда инсон манфаатлари ва унинг эҳтиёжларини хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш орқали таъминлашга алоҳида эътибор берилаётганини миллий иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг улушини кўпайтириш ҳамда "хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш" [4] назарда тутилаётганида кўриш мумкин. Бу ҳолатлар тадқиқот мавзусининг долзарб эканлигидан далолат беради.

Мазкур тадқиқотнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 июлдаги ПҚ-2562-сон "Ўзбекистон тарихи соҳасидаги тадқиқотларни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги 315-сон "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги ҳамда 2017 йил 22 майдаги 304-сон "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ва соҳага доир бошқа қонуности ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг "Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуга оид тадқиқотларни уч гуруҳга бўлиш мумкин. Булар:1) совет даврида нашр этилган адабиётлар; 2) мустақиллик даврида чоп этилган тадқиқотлар; 3) хорижий тадқиқотчилар томонидан яратилган адабиётлардан иборат.

Совет даврида мавзуга доир тадқиқотлар ўша давр ғоявий концепциялари асосида яратилган. Маиший хизмат кўрсатиш соҳаси масалаларини ёритишда ва жараёнларни ўрганишда бир хил схема ўрнатилди ҳамда "алоҳида нуқсонлар" ва "ечилмаган муаммолар" мавжудлигига

---

[3] Хайдаров Н.Х. Хизмат кўрсатиш соҳасида молиявий муносабатларни такомиллаштириш // "Ўзбекистонда молиявий секторнинг ролини ошириш ва унда илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТМИ. "IQTISOD-MOLIYA", 2015. – Б. 29.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036

эътибор қаратилди. Ушбу давр тарихшунослигида маиший хизмат кўрсатиш соҳаси тадқиқот объекти қилиб танланган йирик илмий нашрлар мавжуд бўлмаса-да, мавзунинг баъзи жиҳатлари ишчилар синфи тарихига бағишланган тадқиқотларда ўз аксини топган[5]. 1950-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, шаҳарлар тарихи бўйича яратилган тадқиқотларда ҳам маиший хизмат кўрсатиш соҳасига қисқача тўхтала бошланган[6]. 1960-йиллардан бошлаб тадқиқотларда шаҳар аҳолисининг турмуш даражаси ҳамда маиший хизмат кўрсатиш соҳаси масалаларига қисман эътибор қаратила бошланди[7]. Шу боис Ўзбекистондаги маиший хизмат муассасалари фаолиятининг айрим қирралари бир қатор ҳуқуқшунос, файласуф ва иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган[8]. 1970-1980 йилларда тадқиқотчилар аҳоли турмуш даражасининг ошиши масалаларини ёритиш билан бирга муайян даражада аҳолига маиший хизмат кўрсатиш масалаларига ҳам эътибор қаратдилар[9].

---

[5] Тельпуховский В.Б. Рабочий класс СССР 1938-1965 гг. – М.,1971; Труфанов И.П. Проблемы быта городского населения СССР. – М.,1973; Рабочий класс развитого социалистического общества. – М.,1974; Гордон Л.А., Клопов Э.В., Оников Л.А. Черты социалистического образа жизни: быт городских рабочих вчера, сегодня, завтра. – М.,1977; Гордон Л.А., Клопов Э.В. Культура и быт городских рабочих. – Культура развитого социализма. Некоторые вопросы теории и истории. М.,1978; Клопов Э.В. Рабочий класс СССР. – М.,1985.

[6] Абдуқаҳҳоров С. Республика юраги. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон ва Правда Востока бирлашган нашриёти, 1950; Вахабов М.Г. Ташкент в период трех революций. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1957; Ташбеков Э. Основные факторы роста численности населения города Ташкента за 100 лет (Вторая половина XIX – первая половина XX в.). Научные работы и сообщения. Кн.7. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1963. ва бошқалар.

[7] Рашидов Г. История социалистического Ташкента. Т.1. – Ташкент: Наука, 1965; Зотов А., Раимов Т., Смирнов М., Якубов Б. Города Узбекистана. – Ташкент, 1965. – 287 с.; Ташкент в прошлом и настоящем. – Ташкент: Знание, 1968; Ахмедов Э. Молодые города Узбекистана. – Ташкент, 1966.; Чебыкин А. Навои. – Ташкент, 1968; Ахмедов Э., Фатахов Е. Новые города Узбекистана. – Ташкент, 1972.; Азизова Н. Гуллаб-яшнаётган шаҳар. Тошкент, 1973.; Вахобова Н. Ўзбекистоннинг янги шаҳарлари. – Тошкент, 1973; История новых городов Узбекистана. Ташкентская область. – Ташкент, «Фан», 1976.– 276 с.; Умаралиев А.М. Из истории строительства социалистической культуры в Ферганской долине. – Ташкент: Фан, 1977; Зухритдинов Ш. А. Возникновение новых городов и их роль в строительстве социализма в Узбекистане. – Ташкент, «Фан», 1982. – 128 с.; Рахимов М. История Ферганы. – Ташкент: Фан, 1984; Ахмедов Э., Тешабаев М. Новые города Узбекистана. – Ташкент, «Узбекистан», 1984. – 168 с.

[8] Рахимов И. Становление коммунистической нравственности в быту. –Ташкент, 1965. – 236 с.; Ахунов Б.К. Культура быта и её значение в духовном развитии личности. – Ташкент, 1968; Умаров А.Х. Анализ и рациональная организация структуры службы быта г. Ташкента. – Ташкент, 1969; Арипов К. Повышение культуры быта трудящихся масс в период коммунистического строительства и его значение в преодоление религиозных пережитков. Автореф. канд. филос. наук. –Ташкент, 1970. –30 с.; Стасько В.Н. Правовые вопросы управления бытовым обслуживанием населения(по материалам УзССР). Дисс…канд. юрид. наук. – Ташкент, 1971, –204 с.; Собчак А.А. Руководства местных Советов депутатов трудящихся бытовым обслуживанием населения (по материалам УзССР). Дисс…канд. юрид. наук. –Ташкент, 1971. –204 с.; Умурзакова О.П. Закономерности сближения быта и традиций социалистических наций. –Ташкент, 1971. - 489 с.; Джаббаров И. Общественный прогресс быт и религия (Социально-философское исследование на материалах Узбекской ССР). –Ташкент: Узбекистан, 1973. –219 с.; Джуманиязов Р. Повышение культуры быта села в условиях развитого социализма (Из опыта партийной организации Узбекистана 1960-1973 гг.). – Ташкент: Узбекистан, 1974. –248 с.; Хазраткулов А. Рост материального благосостояния колхозного крестьянства Узбекистана. (1966-1975). Дисс…канд. ист. наук. – Ташкент, 1980. –218 с.; Насиров А. Экономическая основа социалистического образа жизни. – Ташкент, 1983. –247 с.; Кадиров М. Социально-экономическое развитие села в условиях развитого социализма. –Ташкент, 1984; Шермухамедов Б.Т. Социалистическая цивилизация и быт. –Ташкент: Узбекистан, 1987; Хидоятов М.С. Развитие культуры быта в условиях различных типов сельских поселений. Дисс… канд. филос. наук. – Ташкент, 1989.–167 с. ва бошқалар.

[9] Мухаммаджонова У. Участие женщин в развитии сельского хозяйства Узбекистана в период развернутого коммунистического строительства (1959-1965 гг.). – Автореферат дисс… канд. ист. наук. –Ташкент, 1971. – С.16; Ражабов С. Повышение материального благосостояния и культурного уровня колхозного крестьянства

Шунингдек, айрим тадқиқотчилар ҳудуддаги маиший хизмат кўрсатиш соҳасини Иттифоқнинг бошқа республикалари билан қиёсий таҳлил қилиб ўтганлар[10]. Бундан ташқари, айрим этнографларнинг тадқиқотларида ҳам совет даврида республика қишлоқ аҳолисининг анъанавий турмуш тарзи ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзгаришларга эътибор берилган[11].

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг яратилган тадқиқотларда муаммога бутунлай янгича назарий-концептуал ва методологик ёндашувлар ўз аксини топди**.** Хусусан, тарихчи олимлар совет даврида республикадаги ижтимоий-иқтисодий вазият, аҳолининг яшаш даражаси ва турли хизматлар кўрсатилиши, ҳунармандларнинг аҳолига хизмат кўрсатиши, уларнинг артелларга бирлаштирилиши ҳамда унинг оқибатлари каби масалаларни замонавий усуллар орқали тадқиқ эта бошладилар[12].

Бундан ташқари, айрим тарихчилар Ўзбекистон шаҳарлари тарихига бағишланган тадқиқотларда маиший хизмат соҳасига ҳам тўхталиб ўтганлар. Жумладан, 1917-1941 ва 1950-1980 йилларда республика шаҳарларида маиший хизмат трансформацияси каби масалалар ёритиб берилган[13]. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон этнологлари томонидан қилинган ишларда ҳам республика аҳолисининг маиший аҳволидаги ўзгаришлар, жумладан, аҳолининг моддий маданияти, хусусан, анъанавий кийим-кечаклар ва уларни тайёрлашдаги трансформация жараёнлари тадқиқ этилди[14].

Бундан ташқари мустақиллик йилларида иқтисодчи олимлар маиший хизмат кўрсатишнинг иқтисодий омилларини ўрганган бўлсалар[15],

---

Узбекистана в условиях развитого социализма (На материалах Хорезмской области. 1966-1980 гг.) Дисс… канд. ист. наук. –Ташкент, 1982. – С.154.

[10] Умаров А.Х. Анализ и рациональная организация структуры службы быта г. Ташкента. Ташкент: 1969.; Хашимов Б.Х. Использование рабочей силы в сферы бытового обслуживания Узбекской ССР. Автореферат дисс... канд. эконом. наук. – Ташкент, 1976.

[11] Сухарева О.А., Бикжанова М.А. Прошлое и настоящее селения Айкыран (Опыт этнографического изучения колхоза имени Сталина Чартакского района Наманганской области). – Ташкент: АН Узбекской ССР, 1955; Этнографические очерки узбекского сельского населения // Г.Васильева, Б.Кармышева (отв.ред.). – М.: Наука, 1969.

[12] Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70-80 йиллар мисолида). – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 106. Муртазаева Р. Толерантность как интегрирующий фактор в многонациональном Узбекистане. –Ташкент: Узбекистан, 2010. – С. 4-5; Алимова Д.А. История как история, история как наука. Том I. (История и историческое сознание) – Ташкент: Узбекистан, 2008. – С.161; Юнусова Х. Социально-экономические процессы и духовная жизнь в Узбекистане в 80-х годах XX века. Автореф. дисс. д-ра. ист наук. – Ташкент, 2009; Тўхтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва уни “социалистик” асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар) Тарих фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертацияси.–Тошкент, 2001. – Б.26.

[13] Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларидаги трансформация жараёнлари (1917-1941 й.). – Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2015. – 336 б.; Тоғаева А. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари ва шаҳар маданияти муаммолари. – Тошкент: Yangi nashr, 2017. – 250 б.

[14] Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари:анъанавийлик ва замонавийлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 177 б.; Нуруллаева Ш. Традиционная одежда узбеков Хорезмского оазиса (конец XIX – первая половина XX века). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Ташкент, 2012. – 30 с.; Зуннунова Г.Ш. Материальная культура узбеков Ташкента: трансформация традиций (XX – начало XXI в.) – Ташкент: Extremum-press, 2013. – 320 с.; Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. – Тошкент: Ўқитувчи, 2003 ва бошқалар.

[15] Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлиги ва унинг ривожланишини эконометрик моделлаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида) Иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент, 2001. – Б.57; Арзуова Ш.А. Аҳолига ижтимоий-маиший

ҳуқуқшунослар истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этганлар[16].

Хорижий тадқиқотларда охирги йилларда Марказий Осиёнинг ижтимоий тарихини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 2003 йилда Пол Майкл Стронский Тошкент шаҳридаги маиший хизмат муассасалари фаолиятини қисқача ёритиб берган[17]. 2007 йилда канадалик тадқиқотчи Джеф Сахадео томонидан совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Тошкент шаҳрида рўй берган иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар ёритиб ўтилган. Бироқ маиший хизмат соҳасига тааллуқли масалалар ушбу тадқиқотдан ўрин олмаган[18]. Бу даврда россиялик этнолог О.В.Горшунова хотин-қизларнинг ташқи кўринишидаги трансформация жараёнларини тадқиқ этиб, анъанавий кийимлардаги ўзгаришларни кузатган. Хусусан, олима кийимларда "европача услуб"нинг вужудга келишини саноатнинг ривожланиши, урбанизация жараёнлари, хотин-қизларнинг ижтимоий меҳнатга жалб қилиниши ва оиладаги аҳволининг ўзгариши билан боғлаб кўрсатар экан, бу билан маҳаллий аҳоли орасида "совет эталони" тарғиб қилингани алоҳида таъкидлаган[19].

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Тадқиқот иши республикада олиб борилаётган Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш билан боғлиқ концептуал вазифалардан келиб чиқиб танланган ва Жиззах давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган. Диссертациянинг айрим хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тарих институтида амалга оширилаётган ОТ-Ф1-133 Ўзбекистоннинг энг янги тарихи (4 жилдлик) фундаментал лойиҳада (2017-2020 йиллар) фойдаланилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1925-1991 йилларда Ўзбекистонда маиший хизмат кўрсатиш тизимининг аҳоли кундалик турмушидаги ўрнини тизимли равишда очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хизмат кўрсатиш инфратузилма тармоқлари ривожини башоратлаш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертацияси.–Тошкент, 2004. – Б.4; Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертацияси. – Самарқанд, 2010. – Б.168; Саидов А.М. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштириш йўллари (Самарқанд вилояти мисолида) Иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертацияси. – Самарқанд, 2011. – Б.16; Султонов Ш.А. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарадорлигини ошириш йўллари (Қашқадарё вилояти мисолида) Иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертацияси. – Самарқанд, 2011. – Б.6.

[16] Саид-Газиева Н.Ш. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш. Юридик фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент, 2003. – 172 б.

[17] Paul Michael Stronski. Tashkent: Forging a Soviet City (1930-1966). PhD dissertation. – Stanford University, 2003; Ўша муаллиф. Tashkent: forging a Soviet city, 1930-1966. – Pittsburgh: University of Pittsburgh Press, 2010.

[18] Jeff Sahadeo. Russian Colonial society in Tashkent, 1865-1923. – Ottawa, 2007.

[19] Горшунова О.В. Внешний облик узбекской женщины: эволюция эстетических представлений (конец XIX – конец XX века) // Этнографическое обозрение. – 2001. – №5. – С.21-22.

- Ўзбекистонда совет даврида маиший хизмат тизимининг шаклланиши ва ундаги ташкилий-тузилмавий ўзгаришларни ўрганиш;

-маиший хизмат муассасаларининг моддий-техник базасини шакллантиришга доир муаммоларни кўриб чиқиш;

-соҳада кадрлар тайёрлаш тизимининг йўлга қўйилиши ва у билан боғлиқ муаммоларни очиб бериш;

-аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимидаги йўналишларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш;

-аҳоли гигиенаси ва санитария билан боғлиқ маиший хизмат кўрсатиш муассасалари (ҳаммом, кир ювиш пунктлари ва сартарошхона) фаолиятини тадқиқ этиш;

-фотосуратхоналар, маиший хизмат ускуналари ва пойабзалларни таъмирлаш бўйича масалаларни ўрганиш;

-Ўзбекистон аҳолисининг анъанавий турмуш тарзи ва унда маиший хизмат муассасаларининг тутган ўрнини кўрсатиш;

-аҳолининг кундалик турмуш даражаси ва маиший хизматдан фойдаланишнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил этиш;

-совет жамиятидаги “социалистик турмуш тарзи”ни сингдиришга бўлган уринишларни маиший хизмат тизими билан боғликликда ўрганиш;

-ҳудуддаги маиший хизмат кўрсатиш муассасалари фаолиятини Иттифоқ республикаларидаги ҳолат билан қиёсий таҳлил этиш;

-Ўзбекистонда маиший хизмат тизими ва унинг аҳоли кундалик ҳаётидаги ўрнига доир турли маълумотларни яхлит илмий тизимга солиш ва мавзуга доир тегишли илмий хулосалар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1925-1991 йилларда Ўзбекистонда маиший хизмат тизими ва унинг аҳоли турмуш тарзидаги ўрнига доир масалалар белгиланди.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистонда 1925-1991 йилларда маиший хизмат тизимининг ўзига хос жиҳатлари, маиший хизмат йўналишлари – маиший хизмат ускуналари ва пойабзалларни таъмирлаш, фотосуратхоналар, тикувчилик ателъелари, ҳаммомлар, сартарошхоналар, кир ювиш ва кийимларни кимёвий тозалаш пунктлари фаолияти масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик тамойили, микротарих, оғзаки тарих, қиёсий таҳлил, миқдорий таҳлил, контент таҳлил ҳамда хронологик тизимли таҳлил каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. 1920-1980 йилларда Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳалари трансформация қилиниши натижасида маиший хизмат кўрсатиш муассасалари шаклланиши ва фаолияти динамикаси аниқланган;

маиший хизматнинг янги турлари – кир ювиш хизмати, дафн маросимлари бюроси, хонадонни тозалашга оид ишларни ўзида мужассам этган хайрли ишлар бюроси каби йўналишлар вужудга келган бўлса-да, улар

ўша даврда аҳолининг бу хизмат турларига эҳтиёжи бўлмагани сабабли тўлиқ қабул қилинмагани исботланган;

соҳада етарлича меҳнат ва турмуш шароити мавжуд эмаслиги, иш ҳақининг камлиги, ижтимоий ҳимоялаш чоралари кўрилмагани кадрлар қўнимсизлигига сабаб бўлгани архив ҳужжатлари асосида исботланган;

совет ҳокимияти маиший хизматни ривожлантиришда кишиларнинг янги ижтимоий бирлиги "совет кишиси"ни шакллантириш ва аҳоли орасида "совет турмуш тарзи"ни тарғиб этишни мақсад қилгани аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўрганилаётган даврда маиший хизмат соҳасининг манзаралари кўрсатиб берилган;

"Социалистик турмуш тарзи" ғояси, унинг моҳияти, аҳоли кундалик ҳаётида мазкур ғояни сингдиришга уринишларнинг маиший хизмат кўрсатиш тизими билан алоқадорлик жиҳатлари очиб берилган;

Ўрганилаётган даврда маиший хизмат кўрсатишнинг янги турлари ҳаётга татбиқ этилган бўлса-да, кундалик ҳаётда аҳоли миллий анъанадаги хизматлардан фойдаланишни давом эттирганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўйилган масалалар 1925-1991 йилларда Ўзбекистонда маиший хизмат тизимига доир архив ҳужжатлари, қонунчилик актлари, даврий матбуот материаллари ҳамда оғзаки тарих усуллари орқали йиғилган аҳоли билан суҳбат натижалари асосида тадқиқ этилгани билан асосланади. Манбаларнинг биринчи гуруҳи турли архивлардан йиғилган бўлиб, улар республика[20], Тошкент[21], Жиззах[22], Самарқанд[23], Қашқадарё[24] вилоят ва шаҳарларидаги давлат архивларида сақланган, тадқиқотда ушбу архивларнинг жами 38 та фонди ҳужжатларидан фойдаланилди. Кейинги гуруҳ манбаларини газета ва журналлар[25], соҳага доир расмий статистик маълумотлар ва расмий ҳужжатлар тўплами[26] ҳамда ўрганилаётган даврда маиший хизмат соҳасида фаолият юритган шахсларнинг оғзаки хотиралари ташкил этди ва улар тадқиқот натижаларининг ишончлилигига ёрдам берувчи қиёсий таҳлил учун имкон яратди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон аҳолисининг кундалик ҳаёти тарихига доир илмий тадқиқот усуллари ҳамда маиший хизмат тизимига доир назарий хулосаларни ривожлантиришда

---

[20] Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (бундан кейин – ЎзР МДА), Р-297, Р-2325, Р-2330, Р-2967, Р-2698, Р-91, Р-2182, Р-2531; Ўзбекистон Республикаси Илмий-техник ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архиви (бундан кейин - ЎзР Илмий-техник ва тиббий ҳужжатлар МДА). 173-фонд.

[21] Тошкент шаҳар давлат архиви. 31-фонд; Тошкент вилоят давлат архиви, 119-фонд, 729-фонд, 735-фонд.

[22] Жиззах вилоят давлат архиви, 1-фонд, 13-фонд, 22-фонд, 23-фонд, 83-фонд, 111-фонд.

[23] Самарқанд вилоят давлат архиви, 26-фонд, 1643-фонд, 1808-фонд.

[24] Қашқадарё вилоят давлат архиви, 1-фонд, 66-фонд, 150-фонд, 535-фонд.

[25] "Партийное строительство", "Партийная жизнь", "Бытовое обслуживание", "Народное хозяйство", "Общественные науки в Узбекистане" журналлари, "Известия", "Правда", "Правда Востока", "Сельская жизнь" ва бошқа газеталар.

[26] "Народное хозяйство СССР" ва "Народное хозяйство Узбекской ССР" номли йиллик статистик маълумотномалар; "Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам" номи остида чоп этилган ҳукуматнинг хўжалик масалалари бўйича қарорлари тўпламлари.

фойдаланиш билан асосланади. Ишнинг натижаларидан Ўзбекистоннинг энг янги тарихига оид келгуси тадқиқотларда, олий ўқув юрти талабалари, тарих мутахассислиги йўналишлари учун “Ўзбекистон тарихи”, “Этнография” ва “Ўлкашунослик” фанларидан ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратишда, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва малака ошириш курслари тингловчиларига ижтимоий гуманитар соҳаларда маъруза ва махсус курслар ўқишда, семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти давлатчилик тарихи, кундалик ҳаёт тарихи, жамиятни маънавий-аҳлоқий ва маданий ривожлантириш, ўзбек халқига хос бўлган миллий ва диний қадриятларга бағишланган давлат дастурларининг бажарилишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон аҳолисининг кундалик ҳаётида маиший хизмат тизимининг ўрни (1925-1991 йй.) мавзуси бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

илмий тадқиқот ишига дахлдор маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва уларнинг фаолияти акс этган тарихий расмлар, жойларда маиший хизмат кўрсатиш аҳволига оид архив ҳужжатларидан Ўзбекистон тарихи давлат музейининг «XIX-XX асрларда Ўзбекистон» номли экспозициялар бўлимини қайта шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2018 йил 19 апрелдаги 3/1255-1005-сон маълумотномаси). Бу XX асрнинг 30 – 80-йилларида республиканинг турли ҳудудларида маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг фаолияти, бу борада шаҳар ва қишлоқларда учраган муаммолар, соҳада юқори даражада бўлган кадрлар қўнимсизлиги масаласи акс этган архив ҳужжатлари ва тарихий расмлар орқали кенг халқ оммасига, ёшларга ўша давр ҳақида янада ёрқин таассурот беришга хизмат қилган;

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда маиший хизмат кўрсатиш муассасалари фаолияти ва муаммоларига оид илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институтида амалга оширилаётган ОТ-Ф1-133 Ўзбекистоннинг энг янги тарихи (4 жилдлик) фундаментал лойиҳада (2017-2020 йиллар) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2018 йил 19 апрелдаги 3/1255-1005-сон маълумотномаси). Бу кенг китобхонлар орасида совет ҳокимияти даврида аҳолининг кундалик ҳаётида маиший хизмат тизимининг ўрнига оид бўлган тушунчаларини янада кенгайтиришга хизмат қилган;

XX асрнинг 20-80 йилларида Республикада аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолияти, муаммолари, аҳолининг бу борадаги эҳтиёжи, шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзгаришлар,эътибор, имконият ва ютуқлар хусусидаги илмий тадқиқот натижаларидан Жиззах вилоят телерадиокомпаниясининг 2017 йил 21 сентябрида намойиш этилган “Бунёдкорлик” кўрсатувида, (Жиззах вилоят телерадиокомпаниясининг 2017 йил 25 октябрдаги 02-08/819-сон маълумотномаси), 2017 йил 11-12 ноябр кунлари намойиш этилган “Диёр

янгиликлари” кўрсатувида, “O’zbekiston 24” телеканалида намойиш этилган “Диёр 24” информацион дастурида (Жиззах вилоят телерадиокомпаниясининг 2017 йил 30 ноябрдаги №02-08/931-сон маълумотномаси) 2017 йил 20-21 декабр кунлари намойиш этилган “Кун мавзуси” кўрсатувида (Жиззах вилоят телерадиокомпаниясининг 2017 йил 28 декабр кунги №01-08/1113-сон маълумотномаси) ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “O’zbekiston 24” телеканалида намойиш этилган “Тафсилот” кўрсатувларида (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги “O’zbekiston 24” телерадиоканали” давлат унитар корхонасининг 2018 йил 4 апрелдаги №02-09-294-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Ушбу кўрсатувлар телетомошабинларда совет ҳокимияти даврида Ўзбекистонда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимининг шаклланиши ва маиший хизмат муассасаларининг фаолияти, маиший хизмат соҳасига янги турларнинг кириб келиши, соҳадаги муаммолар юзасидан янада аниқроқ таассурот ва хулосага эга бўлишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 18 та илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан, 6 та халқаро ва 12 та илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, шу жумладан, 15 та республика ва 1 та хорижий нашрда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда шартли қисқартмалар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 180 бет, унга 15 та жадвал илова қилинган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад, вазифалари ҳамда ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Шунингдек, тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги баён қилиниб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Бундан ташқари, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Совет ҳокимияти йилларида маиший хизмат тизимининг шаклланиши ва трансформация жараёнлари”** деб номланган **биринчи боб**ининг **биринчи параграф**ида мазкур соҳадаги трансформация жараёнлари, ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар даврий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Жумладан, XX аср бошларига қадар Ўзбекистон ҳудудида

шаҳарлар ва қишлоқлардаги бозорларда, маҳаллалар ҳамда гузарларда сартарошлар, чеварлар, этикдўзлар, темирчилар, кулоллар, дурадгорлар каби ўнлаб ҳунар эгалари аҳолига маиший хизмат кўрсатиб келган. Большевикларнинг давлат монополиясини амалга ошириш сиёсати оқибатида хусусий тарзда фаолият кўрсатаётган косиб ва ҳунармандлар артелларга бирлаштирилиб, уларнинг фаолияти устидан давлат назорати ўрнатилди. 1920 йилда 740 та ҳунармандлар артели ташкил этилган бўлса, 1925 йилнинг охирида республикада тахминан 800 ҳунармандчилик артели ташкил этилган ва улар 25 минг нафар ҳунармандларни бирлаштирган эди[27].

Ўзбекистон ССР ташкил топганидан сўнг аҳолига, асосан, Ўзбекистон Ҳунармандчилик кооперацияси кенгаши, Маҳаллий саноат халқ комиссарлиги ҳамда Ўзбекистон ССР Ногиронлар кооперацияси кенгаши томонидан маиший хизмат кўрсатила бошланди[28].

Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлари кенгаши ва Марказий ижроия қўмитасининг 1932 йил 19 августдаги қарорига асосан Ўзбекистон ҳунармандчилик иттифоқи ва унинг таркибига кирган мавжуд бирлашмалар тугатилди ҳамда маиший хизмат кўрсатиш тизимидаги умумий раҳбарлик қилиш янги ташкил этилган Ўзбекистон ҳунармандчилик кенгашига берилди[29]. 1930-1940 йилларда навбатма-навбат “Ўзбекистон ҳунармандчилик иттифоқи” ва Ўзбекистон ҳунармандчилик кенгаши республикада маиший хизмат соҳасидаги асосий ташкилот сифатида ишлаб келди. Бундан ташқари, 1950 йилларда Ўзбекистон ССРда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш билан ҳунармандчилик кооперацияси, маҳаллий саноат ва истеъмолчилар кооперацияси корхоналари ҳам шуғулланган[30].

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, 1920-1950 йиллар оралиғида Ўзбекистонда аҳолига хизмат кўрсатиш тизимида тез-тез ўзгаришлар содир бўлиб турган ва мазкур соҳа бир неча идоралар таркибида бўлиб келган. Фақатгина 1962 йилга келиб соҳанинг барча йўналишлари бўйича бошқарувни амалга оширувчи Ўзбекистон ССР Вазирлар кенгаши ҳузурида Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича Бош бошқарма ташкил этилди ҳамда у 1966 йилда алоҳида вазирликка айлантирилди. Шу билан биргаликда, айрим йўналишлар ҳали ҳам бошқа идора ва вазирликлар таркибида фаолият юритиб келаётган эди. Жумладан, 1960-йилларда Ўзбекистон ССРда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш муассасалари 16 та вазирлик ва юқори идоралар таркибида бўлган[31]. Кейинги йилларда ҳам ушбу соҳада ташкилий ўзгаришлар юз бериб турган[32].

---

[27] Тўхтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва уни “социалистик” асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар) Тарих фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертацияси.–Тошкент, 2001. – Б.43.

[28] Стасько В.Н. Служба быта - в центре внимания. – Ташкент:Узбекистан,1969. – С.7.

[29] Тўхтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва уни “социалистик” асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар) Тарих фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертацияси.–Тошкент, 2001. – Б.50.

[30] Ибратов Б. Гражданско-правовые проблемы бытового обслуживания населения. Дисс...канд. юрид. наук. – Ташкент, 1994. – С.36.

[31] Валиев А. Важные задачи службы быта// Экономика и жизнь. – Ташкент, 1969. – №9. – С.86-88.

[32] ЎзР МДА, Р.2698-фонд, 1-рўйхат, 2020-иш,128-129-варақлар.

Биринчи бобнинг **иккинчи параграфида** бир қанча ислоҳотлар натижасида маиший хизмат муассасалари фаолият тури кенгайган бўлса-да, тизимдаги ишлар кўлами ва сифати етарли даражада бўлмагани кўрсатилиб ўтилади. Маълумки, ўлкада қадимдан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш хусусий равишда амалга оширилгани сабабли ҳунармандлар фаолият юритиш учун жой топиш, керакли иш қуроли ва хомашё кабилар билан таъминлаш масалаларини ўзлари ҳал этганлар. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бу соҳа вакиллари ҳам артелларга бирлаштирилиб, давлат уларнинг ишини назорат қилишга киришган. Бу ҳолат маиший хизмат муассасаларни бино, хомашё ва маблағ билан таъминлаш давлат томонидан амалга оширилишини англатади. Бироқ манбалар ўрганилаётган даврда маиший хизмат муассасалари бинолар ва хомашё билан етарли даражада таъминланмаганидан далолат беради. Илмий таҳлиллар натижасида ушбу ҳолатлар аҳолига етарли даражада маиший хизмат кўрсатилмаганининг сабабларидан бири бўлгани аниқланди.

Бундай ҳолат совет ҳокимиятининг дастлабки даврлариданоқ кўзга ташланиб турган. Жумладан, 1926 йилда Тошкентдаги чарм маҳсулотлари заводи зарур тери ошловчи моддалар ҳамда бошқа хомашё маҳсулотлари билан таъминланмаган оқибатида муассаса йилни зарар билан ёпган[33]. Бунга ўхшаш ҳолатлар этикдўзлик устахоналарида ҳам кузатилган[34]. Ўз даврида бу муаммоларни соҳа вакиллари ҳам таъкидлаб ўтганлар. Чунончи, 1926 йилда Марғилон, Андижон, Қўқон ва Наманган шаҳарларида соҳада ишловчи шахслар билан суҳбатлашиб, хомашё ва маблағ етарли эмаслиги оқибатида маиший хизмат кўрсатиш соҳаси оғир аҳволга тушиб қолгани аниқланди[35].

Мавжуд манбалар 1950-йилларга келиб маиший хизмат муассасаларини асбоб-ускуналар ва хомашёлар билан таъминлаш бирмунча кўпайганини кўрсатади, бироқ соҳада ишлар тўғри йўлга қўйилмагани сабабли улар керакли жойларга етказилмасдан омборларда қолиб кетган[36]. 1960-йилларга келиб ҳукумат бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишга ҳаракат қилди. Шу мақсадда қатор қарорлар қабул қилиниб, уларда Савдо ва Енгил саноат вазирликлари зиммасига маиший корхоналарни сифатли маҳсулотлар ҳамда замонавий ускуналар билан таъминлаш вазифалари юклатилган[37]. Бироқ кейинги йилларда ҳам салбий ҳолатлар давом этгани ушбу қарорлар қоғозда қолиб кетганини кўрсатади. Мисол учун, 1971 йилда қатор вилоятларда мавжуд ускуналар ўрнатилмасдан сақланаёти аниқланган, жумладан, Тошкент шаҳрида 151 дона, Самарқандда 67 дона, Бухорода 157 дона ускуна маиший хизмат муассасаларига ўрнатилмаган[38]. Бундай ҳолатлар

---

[33] Тошкент вилоят давлат архиви, 119-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 41-43-варақлар.
[34] Тошкент вилоят давлат архиви, 119-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 523-526-варақлар.
[35] ЎзР МДА, Р.297-фонд, 1-рўйхат, 46- иш, 9-11-варақлар.
[36] ЎзР МДА, Р.2325-фонд, 1-рўйхат, 2973-иш, 443-варақ.
[37] Собчак А.А. Руководства местных Советов депутатов трудящихся бытовым обслуживанием населения (по материалам УзССР) Дисс…канд.юрид.наук.–Ташкент, 1971. – С.116.
[38] ЎзР Илмий-техник ва тиббий ҳужжатлар МДА, 173-фонд, 1-рўйхат, 99-иш, 131-варақ.

эса маиший хизмат кўрсатиш тизимида режалар ўз вақтида бажарилишига тўсқинлик қилган[39].

Бинолар билан таъминланиш даражасининг пастлиги ҳам маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг аҳолига етарли даражада хизмат кўрсатишига тўсқинлик қилган. Чунончи, режа бўйича 1984 йилда корхоналар ҳисобидан 38 та маиший хизмат кўрсатиш уйи барпо этилиши лозим бўлса-да, амалда фақат 3 та бино қурилган[40]. Бундан ташқари, мавжуд биноларнинг бошқа соҳа муассасаларига бериб юборилиши ҳам аҳволни янада оғирлаштирган. Масалан, Андижон шаҳрида барпо этилган маиший хизмат комбинати биноси ҳунармандчилик ўқув юртига, Тошкент вилояти ва Наманган шаҳридаги бинолар эса соғлиқни сақлаш муассасаларига, Бухорода эса ўрта мактаб ихтиёрига бериб юборилган [41].

Биринчи бобнинг **учинчи параграфида** совет давлатининг маиший хизмат тизими учун кадрлар тайёрлаш борасида олиб борган тадбирлари ва уларнинг натижалари таҳлил қилинган. Аниқланишича, 1920-1940 йилларда соҳадаги кадрлар касбий мактаблар, фабрика-завод мактаблари (ФЗУ), устахона ва артелларда тайёрланган[42].

1950-йилларга келиб соҳада кадрлар малакасини ошириш тизими ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон ҳунармандчилик кенгаши ҳузуридаги ўқув курсларида цех раҳбарлари, тикувчилар, тўқувчилар, макарон ишлаб чиқариш бўйича усталар, кийимларни кимёвий тозалаш ва ранг бериш пунктлари ходимлари, уй-рўзғор ва металл буюмларини таъмирлаш усталари малака ошириш имконига эга бўлганлар[43].

1966 йилдан Фарғона маиший хизмат кўрсатиш техникуми ташкил этилиб, унда маиший хизмат кўрсатишнинг электрон аппаратуралар, тикувчилик, бухгалтерия ҳисоби, режалаштириш, фототехника, кимёвий тозалаш, кўп каналли электр алоқаси, телевизион техника ҳамда автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлана бошланган[44]. 1969-1970 йилларда Фарғона шаҳрида Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш институтини ташкил қилиш белгиланган, бироқ бу режа амалга оширилмаган[45]**.** Аммо 1972-йилга келиб Фарғона политехника институтида “маиший хизмат кўрсатиш технологияси” факультети фаолият юрита бошлаган. Кадрлар тайёрлашда анъанавий устоз-шогирдчилик тизимидан ҳам фойдаланилиб, ёш ходимлар кўп йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган малакали усталарга бириктирилган[46].

---

[39] ЎзР МДА, Р.2325-фонд, 1-рўйхат, 3029-иш, 2, 63-64-варақлар.
[40] ЎзР МДА, Р.2698-фонд, 1-рўйхат, 1357-иш, 1-3-варақлар.
[41] ЎзР МДА, Р.2330-фонд,1-рўйхат, 4-иш, 240-241-варақлар.
[42] ЎзР МДА, Р.2325-фонд, 1-рўйхат, 79-иш, 45-варақ; Тўхтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва уни “социалистик” асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент, 2001. – Б.114-115.
[43] ЎзР МДА, Р.2325-фонд, 1-рўйхат, 3038-иш, 68-варақ.
[44] ЎзР МДА, Р.2698-фонд, 1-рўйхат, 727-иш, 2-3-варақлар.
[45] Собчак А.А. Руководства местных Советов депутатов трудящихся бытовым обслуживанием населения (по материалам УзССР). Дисс… канд. юрид. наук. – Ташкент,1971. – С.173.
[46] ЎзР МДА, Р.2698-фонд, 1-рўйхат, 1358-иш, 45-варақ.

Аммо кадрлар тайёрлашда аксарият вилоят ва туман маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг эҳтиёжлари ҳисобга олинмаган ҳолатлар мавжуд эди. Жумладан, Фарғона, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларидаги қишлоқ жойларида эркаклар сартарошига, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида фотосуратчиларга эҳтиёж катта бўлишига қарамасдан, бошқа касб бўйича ходимлар тайёрланган. Бундан ташқари, ўқув ишлаб чиқариш пунктларида электр соқол олгич ускуналари ва радио-телеаппаратураларни созловчи механиклар, соатсоз усталар кам миқдорда тайёрланган. Аммо якка тартибда пойабзалларни тикиш ва таъмирлаш усталарини тайёрлаш режаси ошиғи билан бажарилган[47].

Соҳада кадрлар етишмаслигидан ташқари уларнинг қўнимсизлиги муаммоси ҳам мавжуд эди. Хусусан, 1936 йилда Ўзбекистон ҳунармандчилик иттифоқидаги ҳунармандчилик артелларига 27 658 нафар киши ишга кирган бўлса, улардан 17 842 нафари ишдан бўшаган. Бундай ҳолат кейинги йилларда ҳам давом этган, жумладан, 1938 йилда 24 371 киши ишга кирган бўлса, улардан 21 583 нафар ишдан бўшаган[48].

Қайд этиш лозимки, маиший хизмат муассасаларида кадрлар қўнимсизлиги иш шароити яхши бўлмагани, иш тўғри ташкил этилмагани, уй-жой билан таъминланмаганлик ва ойлик маошнинг камлиги билан боғлиқ эди. Баъзи муассасалардаги ходимларнинг 24 фоизи ойлик маоши камлиги, 18 фоизи фарзандлари учун боғча ва яслилар мавжуд бўлмагани ҳамда 20 фоизи турар жойини ўзгартиргани сабабли ўз ишини ташлаб кетган[49]. Шуни айтиш керакки, юқоридаги каби муаммолар соҳа ходимларнинг иш фаолиятига таъсир этиб, бунинг оқибатида XX асрнинг 70-йилларида республикада маиший хизмат кўрсатиш соҳасида кадрлар қўнимсизлиги юқори кўрсаткичларда бўлди.

“Ўзбекистонда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимидаги йўналишлар” номли иккинчи бобнинг **биринчи параграфида** пойабзалларни тикиш ва таъмирлаш, тикувчилик, фотостудиялар ҳамда кимёвий тозалаш фаолияти ва уларнинг муаммолари таҳлил этилган.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида пойабзалларни тикиш ва таъмирлаш ишлари ҳунармандлар томонидан бажарилиши давом этган. Бироқ 1930-1950 йилларда мазкур йўналиш артелларга бириктирилиши натижасида пойабзалларни тикиш ва таъмирлаш хизмати сусайиб кетган. Иттифоқдош республикалар билан қиёсий таҳлил қилинганда Ўзбекистонда бу соҳадаги кўрсаткичлар анча паст бўлгани кузатилади[50]. Тадқиқот давомида бундай ҳолатларнинг вужудга келишига асосан иккита сабаб мавжуд бўлгани аниқланди. Булар – пойабзал тикиш муассасаларининг зарур

---

[47] ЎзР МДА, Р.2698-фонд, 1-рўйхат, 728-иш, 3-4-варақлар.

[48] Тўхтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва уни “социалистик” асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар) Тарих фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент, 2001. – Б.131.

[49] Хашимов Б.Х. Использование рабочей силы в сферы бытового обслуживания Узбекской ССР. Автореф…дисс.канд. эконом. наук. – Ташкент. 1976. – С.19.

[50] ЎзР МДА, Р.2325-фонд, 1-рўйхат, 1916-иш, 10, 13-варақлар; Стасько В.Н. Служсба быта в центре внимания. – Ташкент: Узбекистан, 1969. – С.8-9.

ускуналар ва хомашёлар билан таъминланмагани, шунингдек, ҳудудда маҳаллий этикдўзлар аҳолига хизмат кўрсатишни давом этаётгани бўлган.

1970-йилларга келиб пойабзал таъмирлаш ишларида анча ижобий ўзгаришлар кузатилади. Жумладан, 1976-1977 йилларда Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида пойабзал тикиш ва таъмирлашга мўлжалланган махсус корхоналар ташкил этилган. Бундан ташқари, Тошкент шаҳри, Самарқанд ҳамда Фарғона вилоятларида пойабзални пардозлаш ишлари амалга оширилган[51].

Маълумки, совет даврида тикувчилар ателье лар таркибида аҳолига хизмат кўрсатиши йўлга қўйилди. Бироқ тикувчилик муассасаларида асосан русумдан қолган бичимлардан фойдаланилгани, матолар талабга жавоб бермагани, буюртмалар вақтида бажарилмагани сабабли фуқаролар давлат муассасаларига эмас, балки янги урфларни мужассам этаётган хусусий тикувчиларга мурожаат этишда давом қилишган. Шу сабабли бу йўналишда хизмат кўрсатиш даражаси маиший хизмат кўрсатишнинг бошқа йўналишларига қараганда анча кам бўлиб, бир йилда киши бошига Фарғонада 3 коп. ҳамда Андижон ва Самарқандда 2 коп.га тўғри келган[52].

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилида алоҳида фаолият юритган фотосуратчилар кейинчалик артеллар ва маиший хизмат уйлари таркибида фаолият олиб борганлар. Бироқ, маълум бўлишича, бундай жараёнлар давомида улар зарур асбоб-ускуналар ва кимёвий моддалар билан етарлича таъминланмаганлар.

Шу билан биргаликда, ушбу соҳага кийимларни кимёвий тозалаш ва маиший хизмат ускуналарини таъмирлаш каби янги йўналишлар кириб келди. Маиший хизмат ускуналарини таъмирлаш йўналиши ҳудудда телевизор ва радиоаппаратуралар, уй-рўзғор техникалари ҳамда кир ювиш машиналаридан фойдаланиш кўпайгандан сўнг ривожлана бошлади. Бу асосан 1960-йилларга тўғри келади. Жумладан, 1961 йилда Самарқанд вилоятида 5 та маиший хизмат кўрсатиш комбинати ишга туширилган ва унда чангюткич, кир ювиш машинаси, музлаткич, телевизор, электр ҳисоблагичларни таъмирлаш йўлга қўйилган[53]. 1970-йилларнинг ўрталаридан ҳудудда 150 дан ортиқ муассасалар мураккаб уй-рўзғор техникаси ва радиотелевизион аппаратураларни таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатаётган эди[54]. Бироқ ушбу муассасалар етарли даражада зарур ашёлар билан таъминланмагани сабабли мураккаб турдаги маиший хизмат ускуналарини таъмирлаш ишлари, асосан, хусусий усталар томонидан амалга оширилган[55].

Республикада маиший хизмат соҳасида энг кеч вужудга келган йўналишлардан бири кийимларни кимёвий тозалаш ҳисобланади. Манбаларнинг далолат беришича, 1960-йилларда Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё ва Андижон вилоятларидаги туманларда битта ҳам кийимларни

---

[51] Қашқадарё вилоят давлат архиви, 535-фонд, 1-рўйхат, 257-иш, 55-варақ.
[52] ЎзР МДА, Р.2697-фонд, 1-рўйхат, 235-иш, 28-30-варақлар.
[53] Жиззах вилоят давлат архиви, 23-фонд, 1-рўйхат, 139-иш,15-17-варақлар.
[54] Назарова З. Маиший хизмат кўрсатиш истиқболлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – Б.29.
[55] ЎзР МДА, Р.2697-фонд, 1-рўйхат, 235-иш, 28-30-варақлар.

кимёвий тозалаш муассасаси мавжуд бўлмаган[56]. Республикаданинг барча туманлари ва баъзи шаҳарларида кийимларни кимёвий тозалаш муассасаларининг йўқлиги республикада бу борада киши бошига хизмат кўрсатиш 22 коп.ни ташкил этишига сабаб бўлган. Бу борадаги кўрсаткичлар Москва шаҳридагидан 30 баробар кам эди[57]. Ушбу йўналишдаги корхоналар фақат Тошкент шаҳридагина нисбатан муваффақиятли фаолият юритган. 1965 йилда Тошкент шаҳридаги кийимларни кимёвий тозалаш фабрикасининг қуввати бир сменада 1880 кг ҳажмдаги ишни бажара олган бўлса, бу кўрсаткич 1967 йилда, янги ускуна ўрнатилганидан сўнг бир сменада 2000 кг ҳажмга етган[58].

Иккинчи бобнинг **иккинчи параграфида** совет даврида аҳолининг гигиенаси ва санитар аҳволи билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш муассасалари – ҳаммомлар, кир ювиш пунктлари ва сартарошхоналарнинг фаолиятидаги ўзгаришлар очиб берилиб, бу борадаги муаммолар ҳамда уларнинг сабаблари таҳлил этилган.

Маълумотларга кўра, 1924 йилда ҳудудда 44 та коммунал ҳаммомлар фаолият юритган, бироқ қишлоқларда бундай ҳаммомлар мавжуд бўлмаган[59]. 1932 йилда республикадаги ҳаммомлар сони 123 тага етган ва улардан 103 таси коммунал хўжаликларга тегишли бўлган. Статистик таҳлилларнинг кўрсатишича, бу даврда бир кишининг йил давомида ҳаммомлар хизматидан ўртача фойдаланиши 4,5 мартани ташкил этган[60].

Ўрганилаётган даврда маҳаллий ва европача типдаги икки хил ҳаммомлар мавжуд бўлган. Жумладан, 1933 йилда Қўқон шаҳрида фаолият юритган 4 та ҳаммомдан 2 таси анъанавий типдаги ҳаммомлар бўлган[61]. Шунингдек, Тошкентда 1937 йилда 13 та ҳаммом бўлиб, улардан 7 таси европача, 6 таси эса анъанавий типда бўлган[62].

1965 йилда республикада жами 8087 ўринга мўлжалланган 186 та ҳаммомлар мавжуд эди. Шундан 6270 ўринга мўлжаланган 103 та ҳаммом шаҳарларда, 1817 ўринга мўлжаллангани 83 та ҳаммом туманларда жойлашган[63]. Бироқ ушбу ҳаммомлар аҳолининг эҳтиёжини қондириш учун етарли бўлмаган. 1976-1979 йилларда республика ахолисининг ҳаммом билан таъминланиш даражаси 43 фоиз бўлса, бу кўрсаткич айрим вилоятларда бундан ҳам паст эди. Жумладан, Қашқадарёда 19 фоиз, Бухоро, Жиззах, Сирдарё вилоятларида 18 фоиз бўлган[64]. Ҳаммомлар билан таъминланиш

---

[56] ЎзР МДА, Р.2325-фонд, 1-рўйхат, 3552-иш, 20, 24-варақлар.
[57] ЎзР МДА, Р.2325-фонд, 1-рўйхат, 3552-иш, 20-варақ.
[58] Умаров А.Х. Анализ и рациональная организация структуры службы быта г.Ташкента. – Ташкент, 1969. – С.19.
[59] Каланов Б.З. Состояние и задачи развития коммунального хозяйства в городах Узбекистана. – Ташкент, 1974.– С.10.
[60] Шодмонова С.Б. Ўзбекистон шаҳарларидаги трансформация жараёнлари (1917-1941 й.). – Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2015. – Б.188.
[61] Шодмонова С.Б. Кўрсатилган адабиёт. – Б.192.
[62] Шодмонова С.Б. Кўрсатилган адабиёт. – Б.190.
[63] ЎзР МДА, Р.2182-фонд, 5-рўйхат, 1910-иш, 27-варақ.
[64] ЎзР МДА, Р.2698-фонд, 1-рўйхат, 1250-иш, 140-варақ.

даражаси бўйича Ўзбекистон ССР жами республикалар орасида 12-ўринда турган[65].

1930-йилларда Ўзбекистондаги дастлабки кир ювиш пунктлари Тошкент шаҳрида ташкил этилган. Жумладан, шаҳарда 1931 йил бир сменада 360 кг миқдорида қуруқ кирни ювиш имкониятига эга бўлган биринчи коммунал кир ювиш муассасаси фаолият юритган[66]. Фақат XX асрнинг 60-йилларидан ушбу соҳа нисбатан ривожлана бошлаган. Жумладан, 1963 йилда Тошкентда 4 та кир ювиш пункти ҳамда 6 та ҳаммомлар барпо этилиб, улар ҳаммом-кир ювиш комбинатлари деб номланган. Шунингдек меҳмонхоналар ҳузурида ҳам кир ювиш пунктлари ташкил этила бошланган. 1960 йилда Қарши шаҳар меҳмонхонаси ҳузурида бир сменада 120 кг қуруқ кирни юва оладиган битта кир ювиш пункти фаолият юритган[67].

Бироқ аҳоли учун янги хизмат кўрсатиш тури ҳисобланган кир ювиш пунктлари оммавийлашмаган. Бу биринчидан аҳолининг менталитети билан боғлиқ бўлса, иккинчидан хизмат нархларининг қимматлиги бунга тўсқинлик қилган. Шу сабабли кир ювиш пунктлари белгиланган режани турли идоралардан, жумладан, болалар боғчалари, шифохоналар ва бошқа тиббий муасасалардан тушган буюртмалар асосида бажарган. Мазкур пунктларда 1961 йилнинг биринчи чорагида Тошкент вилояти бўйича 52,7 тонна миқдорда кир ювилган. Аммо уларнинг барчаси ижтимоий муассасалар буюртмаси бўлиб, аҳолининг улуши умуман йўқ эди. Самарқанд вилоятида эса 25,2 тонна кир ювилган бўлса, шундан 300 кг, яъни 1,1 фоизи аҳоли буюртмаси эди[68].

Совет даврида аксарият сартарошхоналар давлат тасарруфига ўтказилгани сабабли уларнинг фаолиятида ҳам кўпгина ўзгаришлар содир бўлган. Аммо манбаларда 1950-йилларнинг иккинчи ярмида ҳам кўпгина сартарошхоналар хусусий тарзда фаолият юритишда давом этгани қайд қилинган[69]. 1960-йиллардан сартарошхоналар коммунал хўжалиги, маҳаллий саноат бошқармаси, истеъмолчилар уюшмаси ва кооперацияси таркибида фаолият юритган эди[70].

“Ўзбекистон аҳолисининг анъанавий турмуш тарзи ва унда маиший хизмат муассасалари ролининг ошиб бориши” деб номланган учинчи бобнинг **биринчи параграфида** ўрганилаётган соҳанинг аҳоли кундалик турмушидаги ўрни ва уларнинг ўзаро алоқалари таҳлил этилган. Аҳолининг кундалик турмуш тарзи ва маиший хизматдан фойдаланишдаги ўзаро муносабатлари таҳлил қилинганда маҳаллий шароит ва иқтисодий омиллар ҳисобга олиниши зарур. Маҳаллий шароит ҳақида сўз борганда, айтиш мумкинки, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида аҳоли ўз менталитетидан келиб чиқиб янги турдаги хизматларни қабул қила олмаган.

---

[65] ЎзР МДА, Р.2182-фонд, 5-рўйхат, 653-иш, 71-74-варақлар.

[66] Каланов Б.З. Состояние и задачи развития коммунального хозяйства в городах Узбекистана. – Ташкент, 1974. – С.10.

[67] Қашқадарё вилоят давлат архиви, 150-фонд, 1-рўйхат, 60-иш, 13-варақ.

[68] Самарқанд вилоят давлат архиви, 16430-фонд, 1-рўйхат, 392-иш, 26-27-варақлар.

[69] ЎзР МДА, Р.2325-фонд, 1-рўйхат, 2979-иш, 67 варақ.

[70] ЎзР МДА, Р.2330-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 52-55-варақлар.

Масалан, 1920-йилларнинг охирида Ўзбекистондаги аксарият қишлоқ аҳолиси, ахлоқий қарашлари ва урф-одатлардан келиб чиқиб, европача бичимида тикилган кийимларни қабул қила олмаган ва янги турдаги кийимларни кийишни гуноҳ деб ҳисоблаган. Унинг ўрнига маҳаллий тикувчилар томонидан тайёрланган миллий андозадаги устки кийимларни кийишни маъқул кўрганлар[71].

Маиший хизматнинг баъзи турларини маҳаллий аҳоли ўз хонадонида бажаришга ҳаракат қилган. Жумладан, бичиш-тикиш ишларига катта эътибор берилган ва шу сабабли уйда кийиладиган кийимлар, кўрпа-ёстиқлар асосан уй шароитида тикилган. Шунингдек, қишлоқ ва шаҳар маҳаллаларида бир қанча тикувчилар бўлиб, улар индивидуал равишда буюртмалар олишган.

Бу ҳолатларни инобатга олган ҳолда, аҳолининг маиший ва маънавий-маданий аҳволини яхшилаш ҳамда уларни ижтимоийлаштириш мақсадида 1920-йиллар иккинчи ярмида республикадаги шаҳар кенгашлари ҳузурида маиший секциялар ташкил этилган ва улар зиммасига шаҳар аҳолисининг маиший аҳволини ўрганиш вазифаси юклатилган эди[72].

Шунингдек, совет ҳукумати даврида Ўзбекистонда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимини тўлиқ давлат тасарруфига ўтказишга ҳаракат қилинган бўлса-да, амалда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий тартибда ва норасмий равишда ишлаган мутахассислар доимий фаолият юритиб келган. Жумладан, 1950-йилларнинг иккинчи ярмида Иттифоқ республикаларидаги кийим тикиш ва буюмларни таъмирлаш ишлари билан хусусий тартибда шуғулланган шахсларга қилинган харажатлар миқдори Грузияда – 77 фоизни, Ўзбекистонда – 75 фоизни, Қирғизистонда – 65 фоизни ва РСФСРда – 45 фоизни ташкил этган[73].

Шу билан биргаликда, аҳоли даромадларининг камлиги маиший хизмат кўрсатиш муассасаларидан фойдаланишдаги тўсиқлардан бири бўлган. 1968 йилдаги статистик маълумотларга кўра, Иттифоқ республикалари аҳолисининг даромади ҳар хил бўлиб, Ўзбекистон бу кўрсаткичлар бўйича 9-10 ўринда турган[74]. Бу жараён кейинги йилларда ҳам давом этиб, 1981-1985 йилларда Иттифоқ республикалари бўйича аҳолининг реал даромадлари 11 фоизга ошган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 5,8 фоизни ташкил этган[75].

1960-йилларнинг бошида киши бошига кўрсатилаётган маиший хизмат ҳажми Иттифоқ бўйича ўртача 4 руб. 20 коп.дан иборат бўлган. Ўзбекистон ССРда бу кўрсаткич 2 руб. 50 коп.ни ташкил этган[76]. Бу даврда қишлоқ жойларида маиший хизмат кўрсатиш соҳаси янада ёмон аҳволда эди.

---

[71] Джаббаров И. Общественный прогресс, быт и религия (Социально-философское исследование на материалах Узбекской ССР) – Ташкент: Узбекистан, 1973. – С.102-103.

[72] Собчак А.А. Руководства местных Советов депутатов трудящихся бытовым обслуживанием населения (по материалам УзССР). Дисс… канд. юрид. наук. – Ташкент,1971. – С.19-20.

[73] Казанцев Б.Н. «Частник” в сферы бытового обслуживания // Архивы начинают говорить, 1993. – С. 55. http://ecsocman.hse.ru/data/016/922/1216/010Arhivy_nachinayut_govoritKazantsev.pdf.

[74] Народное хозяйство СССР в 1967. Стат.ежегодник. – Москва: Статистика, 1968. – С. 9, 672.

[75] Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70-80 йиллар мисолида). – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б.91.

[76] Собчак А.А. Руководства местных Советов депутатов трудящихся бытовым обслуживанием населения (по материалам УзССР).Дисс...канд...юрид... наук.– Ташкент, 1971. – С.35.

Масалан, 1961 йил қишлоқ жойларида маиший хизмат кўрсатиш ҳажми шаҳарга нисбатан 13 баробар кам эди[77]. 1980-йилларнинг ўрталарида Жиззах вилоятида аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш миқдори 10 рубл 9 коп.[78]ва Бухоро вилоятида ўртача 11-13 руб.ни ташкил этган[79]. Бу ҳолатни бошқа республикалардаги аҳвол билан қиёслайдиган бўлсак, 1990 йилда Ўзбекистонда киши бошига маиший хизмат кўрсатиш Эстониядан 3 баробар, Латвиядан 2,5 баробар ва Молдавиядан 2 баробар паст эди[80].

Учинчи бобнинг **иккинчи параграфида** совет давлати ва ҳукмрон коммунистлар партияси ўзининг сиёсий ва мафкуравий тамойилларини маҳаллий аҳолига сингдиришда маиший хизмат кўрсатиш муассасаларидан фойдаланилганга диор маълумотлар ва мулоҳазалар таҳлил этилган.

Маълумки, совет мамлакатида “социалистик турмуш тарзи”ни барпо этиш юзасидан қатор дастурлар ва режалар ишлаб чиқила бошланди. “Социалистик турмуш тарзи” ни яратиш асосларидан бири эса аҳолининг маиший турмуши билан алоқадор эди. Шу мақсадда аҳолининг маиший турмушига алоҳида эътибор қаратилди.

“Социалистик турмуш”ни шакллантириш орқали коммунистик партия ва совет ҳукумати янгича совет кишисини яратишни мақсад қилган эди. Шунинг учун маиший хизматни ривожлантиришга ижтимоийлашув воситаси сифатида эътибор қаратилган. “Янги инсон” учун кураш, кишиларнинг ҳар томонлама шаклланиши, социалистик урфларни ривожлантириш каби масалаларга асосий эътиборни қаратиш белгиланган эди[81].

Бироқ совет ҳукумати томонидан маиший хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришда Иттифоқ республикаларидаги аҳолининг яшаш тарзи, урф-одатлари, миллий даромади ва иқлими инобатга олинмади. Шу сабабли совет ҳукуматининг маиший хизмат муассасалари орқали аҳоли онгига социалистик турмуш тарзини сингдириш борасидаги уринишлари соҳанинг барча йўналишларида ҳам бирдай самарали чиқмади.

Хусусан, совет даврининг сўнгги йилларида вужудга келган айрим янги хизмат тури фаолияти, соҳадаги баъзи ўзгаришлар ижобий якун топмади. 1960-1980-йилларда хайрли ишлар бюроси аҳолига ўз хизматларини таклиф этган. Уларнинг фаолият таркибида хонадонларни тозалаш ишлари ҳам бўлиб, бунда битта хонадонни тозалаш 60-70 руб.ни ташкил этган. Дастлаб аҳолининг аксарият қисми бу хизматни қабул қила олмаган, чунки одатда хонадонни тозалаш ишлари хотин-қизлар томонидан бажарилган[82]. Қолаверса, бунинг учун қўшимча маблағ зарур эди.

---

[77] Стасько В.Н. Служба быта в центре внимания. –Ташкент: Узбекистан, 1969. – С.11.
[78] Жиззах вилоят давлат архиви, 83-фонд, 1-рўйхат, 271-иш, 5-6-варақлар.
[79] Қодиров Ҳ. Хизмат қимматга тушмасин // Совет Ўзбекистон. – 1983. – №53.
[80] ЎзР МДА, Р.2325-фонд, 1-рўйхат, 3552-иш, 30-31-варақлар.
[81] Арипов К. Повышение культуры быта трудящихся масс в период коммунистического строительства и его значение в преодоление религиозных пережитков. Автореф. дисс. канд. философ.наук. – Ташкент, 1968. – С.4.
[82] Максакова Л.П. Демографические проблемы занятости в Узбекской ССР. –Ташкент: Узбекистан, 1989. – С. 47.

Юқоридаги маълумотлар республика аҳолисининг миллий анъаналари ва социалистик турмуш тарзи ўртасидаги ўзаро номутаносибликдан далолат беради. Маиший хизмат кўрсатиш тизимидаги ўзгаришларни амалга оширишдан кўзланган мақсад "социалистик турмуш тарзи"ни тарғиб этишга қаратилгани сабабли бу соҳада кўплаб камчиликлар ва муаммолар мавжуд эди. Бундай камчиликлар ўз даврида маиший хизмат тизимидан фойдаланган аҳолининг муносабатида ҳам акс этган. Жумладан, 1966 йилда Ўзбекистон Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда "Правда Востока" газетаси таҳририяти томонидан "Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?" рукни остида анкета саволномалари тарқатилган. Натижада соҳадаги ишларнинг жойларда қандай ташкил этилгани ва тизим вакилларининг қай тарзда ишлаётгани аниқланган. Жумладан, сўровномада иштирок этган респондентларнинг 25 фоизи маиший хизмат кўрсатиш сифатини ёмон даражада деб баҳоланган бўлса, 20 фоизи баъзи ходимларнинг ўз ишига совуққонлик билан ёндашишини, 15 фоизи хизматчиларнинг малакаси паст даражада эканини, 10 фоизи баъзи ходимлар хизмат кўрсатишдан бош тортганини, 8 фоизи хизматчиларнинг муомаласи қўполлигини эътироф этганлар. Респондентлардан фақат 22 фоизи маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг меҳнат фаолиятини қониқарли деб баҳолаган[83].

1988 йилда Андижон вилоятидаги 6 та давлат хўжалиги ва 21 та жамоа хўжалиги аҳолиси ўртасида ижтимоий тадқиқот ўтказилган[84]. Иштирокчиларнинг 53 фоизини хотин-қизлар, 47 фоизини эркаклар ташкил этган. Ижтимоий сўровда "Сиз шаҳарга қандай мақсад билан борасиз?" деган саволга, респондентларнинг 63 фоизи "маҳсулотлар сотиб олиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишидан фойдаланиш учун" деб жавоб берганлар. Тадқиқотда иштирок этган аҳолининг ярмидан камроғи савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари иши талабга жавоб беради, деб ҳисоблаган. Уларнинг 43,3 фоизи телевизор ва радиоускуналарни, 34,2 фоизи совуткичларни таъмирлаш, 30 фоизи эса пойабзал тикиш ва таъмирлаш ишлари қониқарсиз ташкил қилинганини эътироф этиб, ўз таклифларини билдирганлар[85]. Бу эса ўрганилаётган даврда республиканинг қишлоқ ҳудудларида маиший хизмат кўрсатиш даражасиг янада пастроқ бўлганидан далолатдир.

---

[83] Тургунов М. Рост материального благосостояния колхозного крестьянства Узбекистана в восьмой пятилетке(1966-1970). Дисс...канд. эконом.наук. – Ташкент, 1976. – С.176-177.

[84] Эгамов Э., Меҳмонов С. Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити: муаммолар ва ечимлар. – Тошкент: Меҳнат, 1991. – Б.96.

[85] Эгамов Э., Меҳмонов С. Кўрсатилган адабиёт . – Б.99.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1.Ўзбекистон ССР ташкил этилганидан сўнг маиший хизмат тизими бир неча идоралар таркибида бўлган. Тизим фаолиятини бошқариш учун бир қатор ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилган. Турли йилларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш Ўзбекистон ССР Марказий ижроия комитети қошида ишчиларнинг маиший аҳволини яхшилаш мақсадида тузилган доимий комиссия, Ўзбекистон ҳунармандчилик иттифоқи, Ўзбекистон ҳунармандчилик кооперацияси кенгаши, Маҳаллий саноат халқ комиссарлиги ҳамда Ўзбекистон ССР Ногиронлар кооперацияси, Ўзбекистон ССР Ҳунармандчилик кооперацияси, Ўзбекистон ССР Вазирлар кенгаши ҳузуридаги Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш Бош бошқармаси каби ташкилотлар таркибида олиб борилган. Ташкилий тузилмадаги бундай ўзгаришлар аҳолига маиший хизмат кўрсатишда муайян қийинчиликлар вужудга келишига сабаб бўлган. 1966 йилда Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилганига қарамасдан, маиший хизмат муассасалари турли вазирликлар таркибида фаолиятини давом эттирган.

2. Мазкур даврда маиший хизмат муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш борасида бирмунча саъй-ҳаракатлар қилинди ва ўзгаришлар амалга оширилди. Олиб борилган тадбирлар натижасида маиший хизмат муассасаларининг фаолият тури кенгайган бўлса-да, тизимдаги иш сифати ва кўлами етарли даражада бўлмаган. Бунинг бир қанча сабаблари мавжуд эди. Биринчидан, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи муассасалар ва устахоналарни зарур эҳтиёт қисмлар ҳамда хомашёлар билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда бўлган. Шунингдек, маиший хизмат муассасалари фаолияти учун зарур ускуналар уларни ишлата оладиган мутахассислар йўқлиги сабабли узоқ вақт омборларда туриб қолган. Баъзи ҳолларда яроқсиз ускуналардан фойдаланилгани кузатилган. Иккинчидан, маиший хизмат муассасалари ўз фаолияти учун ноқулай бўлган биноларда жойлашган. Бундан ташқари, республикада маиший хизмат комбинати учун мўлжаллаб қурилган биноларнинг бир қисми бошқа ташкилотларга бериб юборилиши ҳолати ҳам учраб турган.

3. Ўрганилаётган даврда маиший хизмат тизимидаги муаммолардан яна бири кадрлар масаласи билан боғлиқ эди. Жумладан, соҳада хизмат қилган аксарият ходимлар маиший хизмат соҳаси мутахассислари бўлмаганлар. Ходимлар анъанавий устоз-шогирдчилик асосида, дастлабки даврда фабрика-завод мактабларида, кейинчалик эса малака ошириш курслари каби ўқув даргоҳларида тайёрланган. Соҳа бошқаруви ходимларининг маълумот даражаси ҳам анча паст бўлиб, уларнинг аксарияти олий таълим олмаган, асосан ўрта маълумотга эга мутахассислар бўлган. 1966 йилга келибгина Фарғона маиший хизмат кўрсатиш техникуми ташкил этилган. Соҳада кадрлар қўнимсизлиги катта муаммолардан бири ҳисобланган. Ушбу муаммонинг вужудга келишига, асосан, соҳада ойлик иш ҳақининг камлиги,

уй-жой билан таъминлаш етарли даражада бўлмагани ва меҳнат шароити яратилмагани сабаб бўлган.

4. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш анъанавий тарзда давом этган бўлса, кейинчалик бундай хизматнинг замонавий турлари оммавийлаша бошлаган. Лекин баъзи хизмат турлари, масалан, тикувчилик соҳасида анъанавий якка тартибда хизмат кўрсатиш XX асрнинг 80-йилларигача давом этиб келган. Республика маиший хизмат кўрсатиш соҳасида пойабзалларни таъмирлаш, фотосуратхоналар, ҳаммомлар, кир ювиш пунктлари ҳамда сартарошхоналар муҳим ўрин тутган. 1960-йиллардан аҳоли маиший ҳаётига чангюткич, кир ювиш машинаси, музлаткич ва телевизорлар кириб келиши билан уларни таъмирлаш ишлари йўлга қўйилган.

5. Маиший муассасаларни ташкил этишда аҳолининг зичлигига баъзан эътибор берилмаган. Шунингдек, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришда маҳаллий аҳолининг демографияси, яъни туғилиш миқдори, қишлоқ аҳолисининг нисбатан кўплиги, ҳудудларнинг табиатига, аҳолисининг даромади сингари ижтимоий омилларга эътибор қаратилмаган. Масалан, республика шаҳар ва қишлоқларида пойабзалларни таъмирлаш бирмунча талаб даражасида бўлган. Чунки бу соҳада косибчилик анъаналари яхши сақланиб қолган. 1940-йилларгача туман марказларида ҳаммомлар жуда кам бўлиб, улар асосан катта шаҳарларда хизмат кўрсатган. Иккинчи жаҳон уруши даврида ва ундан кейинги йилларда ҳаммомлар қурилиши ортган бўлса-да, улар аҳоли сонига нисбатан анча кам эди. Оқибатда улар ўз сиғимидан ортиқроқ мижозларга хизмат кўрсатишига тўғри келган ва шу сабабли ҳаммомлар аҳоли эҳтиёжини таъминлашга қодир бўлмаган. 1970-1980-йилларга келиб, республикадаги туман марказларининг аксариятида ҳаммомлар хизмат кўрсатган, қишлоқ жойларида бу борада аҳоли эҳтиёжи нисбатан юқори бўлган.

6. Ўзбекистонда маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ривожи бўйича олиб борилган бир қатор ишларга қарамасдан, 1960 – 1980 - йилларда киши бошига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми Иттифоқ республикалари орасида охирги ўринлардан бирида бўлиб келган.

7. XX асрнинг 80-йиллари бошида аҳолининг маиший хизмат соҳасига эҳтиёжлари янада ошган. Бироқ бу даврда зарур материаллар етишмаслиги, иш сифати пастлиги ва шароити каби муаммолар сабабли уларнинг талаби қондирилмаган. Бунинг оқибатида 1980-йилларнинг иккинчи ярмига келиб, аҳолининг кооператив шаклида ташкил этилган маиший хизмат кўрсатиш муассасалари фаолиятига эҳтиёжи тобора ошиб борган эди.

Таклиф ва тавсиялар:

1. Айни вақтда тадбиркорликнинг асосий бўғини сифатида фаолият юритаётган маиший хизмат кўрсатиш муассасаларида кадрлар асосан “устоз-шогирд” анъаналарига кўра тайёрланмоқда. Бу жараёнда уларнинг билим ва

малакаларини ошириш назоратдан четда қолмоқда. Ушбу ҳолатни мувофиқлаштириб борувчи механизмни такомиллаштириш лозим.

2. Маҳаллий ҳукумат идоралари масъул вакиллари томонидан ҳудудларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш муассасаларини ташкил этишда ҳудудий омилларни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

3. Бугунги кунда аҳолининг кундалик ҳаётида маиший хизмат кўрсатиш муассасаларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, уларнинг иш фаолияти, хусусан, мижозлар учун яратилган шароит, сифатли хизмат, вақти, нархи, тозалиги ва ускуналарни зарарсизлантириш каби ишларни такомиллаштириш зарур.

4. Ҳозирги даврда ишсиз ёшларнинг аксарияти республиканинг чекка қишлоқларида истиқомат қилишини инобатга олган ҳолда, уларни маиший хизмат кўрсатишнинг турли йўналишлари бўйича ўқитиш ва фаолиятини касаначилик шаклида йўлга қўйиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланиши зарур.

5. Ўзбекистонда ҳунармандчилик ва косибчилик азалдан муҳим аҳамият касб этгани, тарихимизнинг турли даврларида бу соҳалар бўйича қўлга киритилган қатор ютуқлар, умуман анъаналар тўғрисида услубий қўлланмалар, илмий мақолалар яратиш ва оммавий ахборот воситалари ёрдамида ёш авлодга тушунтириш ишлари олиб боришни янада ривожлантириш керак.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. ТАР.01.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНИЙ, ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА, КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

НАСИРОВ БУНЁД УРАЛОВИЧ

МЕСТО СИСТЕМЫ БЫТОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ В ПОВСЕДНЕВНОЙ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА

(1925-1991 ГГ.)

07.00.01– История Узбекистана

АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ИСТОРИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2018

Тема диссертации на соискание степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B.2017.1. PhD /Tar 28

Диссертация выполнена в Джизакском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (http://ik-tarix.nuu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Шадманова Санавар Базарбаевна**
доктор исторических наук

Официальные оппоненты: **Эргашева Юлдуз Алимовна**
доктор исторических наук, профессор

Бобожонова Дилором Бобожоновна
доктор исторических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский финансовый институт**

Защита диссертации состоится «___»_____ 2018 года в ____ часов на заседании Ученого совета по присуждению ученых степеней DSc 27.06.2017. Tar.01.04 при Национальном университете Узбекистана, Каракалпакском научно-исследовательском институте гуманитарных наук. (Адрес: 100174, г. Ташкент, улица Мирза Галиба, факультет истории Национального университета 1-этаж, 110-аудитория. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Национальный университет Узбекистана).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №___). Адрес: 100174, г. Ташкент, улица Университет, 4 (Главное здание).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года
(реестр протокола рассылки №__ от «___» _____ 2018 года).

А.А. Маврулов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.и.н., профессор

Х.Э. Юнусова
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.и.н.

Г.А.Агзамова
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.и.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)

Актуальность и необходимость темы диссертации. В настоящее время важное значение приобретает обеспечение жизнедеятельности населения и сферы услуг в социально-экономическом развитии стран мира. В то же время доля сферы услуг в валовом внутреннем продукте в зарубежных странах очень высока, в частности в Монако она составляет 95,1%, Люксембурге – 86,0 %, Мальте – 80,6%, США – 79,6%, на Кипре – 78,3 %, во Франции – 77,6%, Бельгии –76,1%, Греции – 75,7% и в Великобритании – 74,5%[1].

Система бытового обслуживания является важным фактором, оказывающим влияние на уровень жизни населения. Вместе с тем эта сфера выполняет такие жизненно важные задачи, как удовлетворение потребностей человека и создание условий для его развития. Уровень развития учреждений сферы услуг и эффективность их деятельности являются основным показателем уровня социальной направленности экономики и создания благоприятных условий для удовлетворения потребностей человека. В странах с развитой промышленностью предприятие бытового обслуживания имеет новейшие технологии и регулярно их обновляет. В США и Европе самым доходным направлением сферы бытового обслуживания являются химическая чистка, стирка и салоны красоты[2].

В настоящее время во всех странах мира человеческий фактор занимает основное место. Поэтому в ряде зарубежных исследований особое внимание уделяется изучению образа жизни и социальной истории населения Узбекистана. В этих исследованиях достигнуты важные научные результаты. В частности, освещены экономические и социальные вопросы в Ташкенте в первые годы советской власти (Jeff Sahadeo, the Institute of European, Russian and Eurasian Studies of Carleton University, Ottawa, Canada, 2007); кратко освещена деятельность учреждений бытового обслуживания в Ташкенте в 1865-1923 годах (Paul Michael, Stronski Stanford University, USA 2003); изучен процесс трансформации внешнего вида женщин, пропаганда “советского эталона” среди местного населения (О.В. Горшунова, РАН Россия, Москва, 2006).

Большое внимание, которое уделяется человеческому фактору во всех сферах жизни Республики Узбекистан в годы независимости, свидетельствует о том, что все реформы осуществляются в интересах народа. В частности деятельность, осуществляемая в сфере обслуживания, служит повышению уровня жизни людей. В настоящее время в Узбекистане доля занятых в сфере услуг составляет более 50 процентов всего занятого в

---

[1] 20 стран мира с наибольшей долей сферы услуг в структуре ВВП. http://infotables.ru/statistika/43-ekonomicheskaya-statistika-stran-mira/426-struktura-vvp-stran-mira-tablitsa.

[2] Шаинян Б.Р. Анализ зарубежного опыта развития бытового обслуживания // Российское предпринимательство. – 2007. – Том 8.– №10. – С. 169-173.

экономике населения[3]. Этот показатель почти равен доле занятых в сфере обслуживания в экономически развитых странах.

В настоящее время особое внимание, уделяемое обеспечению интересов и потребностей человека посредством дальнейшего развития сферы обслуживания, выражается в увеличении доли сферы обслуживания в национальной экономике и предусмотрении в приоритетных направлениях развития страны "ускоренного развития сферы услуг, повышения роли и доли услуг в формировании валового внутреннего продукта, кардинального изменения структуры предоставляемых услуг, прежде всего за счет современных высокотехнологичных видов услуг"[4]. Эти положения свидетельствуют об актуальности темы исследования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2562 "О мерах по дальнейшему совершенствованию системы организации исследований в области истории Узбекистан" от 18 июля 2016 года, Указе Президента Республики Узбекистан УП-4958-сон "О дальнейшем совершенствовании системы послевузовского образования" от 16 февраля 2017 года, постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 315 "О совершенствовании деятельности Института истории Академии наук Республики Узбекистан" от 27 мая 1998 года и № 304 "О мерах по совершенствованию послевузовского образования" от 22 мая 2017 года и других нормативных-правовых документах, имеющих отношение к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. «Духовно-нравственно и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Исследования, имеющие отношение к теме, можно разделить на три группы. Это: 1) литература, изданная в советское время; 2) исследования, опубликованные в период независимости; 3) труды иностранных исследователей.

Работы, относящиеся к теме исследования, советского периода были написаны в рамках идейных концепций того времени. При освещении вопросов бытового обслуживания, изучение процессов осуществлялось по единой схеме, а также уделялось внимание существованию "отдельных недостатков" и "нерешенных проблем". Несмотря на отсутствие в исторической науке того времени крупных научных изданий, объектом

---

[3] Хайдаров Н.Х. Хизмат кўрсатиш соҳасида молиявий муносабатларни такомиллаштириш // "Ўзбекистонда молиявий секторнинг ролини ошириш ва унда илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТМИ. "IQTISOD-MOLIYA", 2015. – Б. 29.

[4] Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" от 7 февраля 2017 года. http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036.

исследования которых была бы сфера бытового обслуживания, некоторые аспекты темы получили отражение в работах, посвященных истории рабочего класса[5]. Начиная с середины 1950-х годов, в исследованиях, посвященных истории городов, стали обращать внимание и на сферу бытового обслуживания[6]. Начиная с 1960-х годов частично освещаются вопросы уровня жизни городского населения и вопросы бытового обслуживания[7]. Следует отметить, что именно к этому времени ряд правоведов, философов и экономистов начали изучать некоторые стороны деятельности учреждений бытового обслуживания Узбекистана[8]. В 1970-1980-х годах наряду с освещением вопросов роста уровня жизни населения исследователи в определенной мере уделяют внимание вопросам оказания бытового обслуживания населению[9]. Вместе с тем некоторые исследователи

---

[5] Тельпуховский В.Б. Рабочий класс СССР 1938-1965 гг. – М., 1971; Труфанов И.П. Проблемы быта городского населения СССР. – М., 1973; Рабочий класс развитого социалистического общества. - М., 1974; Гордон Л.А., Клопов Э.В., Оников Л.А. Черты социалистического образа жизни: быт городских рабочих вчера, сегодня, завтра. – М., 1977; Гордон Л.А., Клопов Э.В. Культура и быт городских рабочих.- Культура развитого социализма. Некоторые вопросы теории и истории. - М.,1978; Клопов Э.В. Рабочий класс СССР. – М.,1985;

[6] Абдуқаҳҳоров С. Республика юраги. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон ва Правда Востока бирлашган нашриёти, 1950; Вахабов М.Г. Ташкент в период трех революций. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1957; Ташбеков Э. Основные факторы роста численности населения города Ташкента за 100 лет (Вторая половина XIX – первая половина XX в.). Научные работы и сообщения. Кн.7. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1963. и другие.

